



Ташкент шаҳри

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши тасаруфидаги ташкилотлар билан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига таклифлар бериш юзасидан йигилишлар уюштироқда.



Шаҳрисабз шаҳридаги 13-умумий ўрта таълим мактабида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз шаҳар кенгashi, ҳалқ таълими бўлими, мактаб раҳбарлари ва ходимлар иштирокида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишиланган тарбибот тадбири бўлиб ўтди.

Тарбибот

МУҲОКАМАЛАР ҚИЗГИН

Унда юртимида конституцияий ислоҳотлар муҳим паллага киргани, жойларда ўн кунлик тарбибот ва тушуниши ишлари олиб бораётгани таъкидланди.

Муҳокама жараёнида инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимояси, сифатли, малакали белуп тибий хизматни ташкил этиш ҳамда мактабчагча таълим, белуп умумий ўрта таълим олишининг давлат томонидан кафолатланиши каби инсонпарвар қоидалар ҳақида ҳам қизгин фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Умиджон ОРТИҚОВ,
Таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Шаҳрисабз
шаҳар кенгashi раиси

Мавзуга боғлиқ тадбирлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузырудаги Фармацевтика тармогини ривожлантириш агентлигига, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия иммий-амалий тиббийт марказида, Тошкент фармацевтика институтида, Тошкент Педиатрия-тиббийт институти ва клиникасида, И.Иргашев номидаги 4-сон шаҳар клиник шифо-

хонасида, шунингдек, Чилонзор туманидаги Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникиумида бўлиб ўтди.

Йигилиш иштирокчilari касаба уюшмаларининг барча бўғинларида иш берувчи ва ходимлар вакилларининг тенг ҳуқуқлилик ташкиллари, вояга етмаган болалар меҳнатига ҳамда мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик ва касаба уюшмаси

фаолиятига тегишил бўлган бир қанча масалалар юзасидан белгиланган моддаларга қўшимчалар киритиш таклифини билдирилди.

Хозирги кунда мавзуга доир тадбирлар бошқа ташкиллардан ҳам давом этмоқда.

Гулноза ТОШПУЛАТОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмасининг
Тошкент шаҳар кенгashi
раиси



Касаба уюшмалари томонидан аъзолар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш тобора кенг тус олмоқда. Шу мақсадда корхона ва ташкиллarda соғломлаштириш хоналари ташкил этилмоқда. Ишлаб чиқарири гимнастикалари йўлга қўйиш баробарида тез-тез спорт мусобақалари уюштириляпти.

Майдонда – фаоллар

Беихтиёр савол туғилди: касаба уюшмалари тизимида фаолият курсатаетган ходимлар-чи? Уларга ҳам спорт билан мунтазам шугууланишлари учун шарапотлар яратилингани? Фаоллар ўртасида спорт мусобақалари



ўтказилияптими? Бу саволлар кўпчиликни қизиқтириш керак.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгashi томонидан ташкил қилинган спартакиада айнан касаба уюш-

малари ходимлари ва фаоллари янгидан-янги үйларни забт этишга чорғаничи.

Урганчдаги ихтисослашган спорт мактаб интернати мезбонлик қўйган баҳсларда аёллар стол тенниси, эркаклар мини-футбол бўйича маҳоратларини намойиш қидилар.

– Максадимиз тизимида фаолият олиб бораётган ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари орқали уларнинг фаолигини янада ошириш, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгashi раиси ўринбосари Фармон Аллаберганов. – Кенгаш аппаратида, тармок касаба уюшмалари ташкилларида фаолият олиб бораётган ёшлар ва фаоллар ушбу мусобақаларда чинакам ёшлик завқини ҳис қидилар.

Голиб ва совриндорлар вилоят кенгashi томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Бахтиёр ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Хоразм вилояти кенгashi
раисининг ёшлар мусобақалари
бўйича маслаҳатчиси



Навоий вилояти



Эзгу ишлар бошида турганларга раҳмат!

Бу йил Кармана туманидаги «Ишонч» болалар соғломлаштириш оромгоҳида икки набирам – Дилшоджон ва Дониёржон мириқиб дам олиши. Келиним билан уларни қўргани бордик.

Тўғриси, набирамларининг шундай масканда дам олаётганидан, юзлаб болажонларнинг яйраб-яшнаб юрганидан жуда хурсанд бўлдим. Оромгоҳдаги шарапот ва имкониятларга ҳавас қилдим. Биргина боланинг мароқли ҳордик чиқариши учун нима керак бўлса, ҳаммаси муҳаёйе қилинган. Атроф кўм-кўй, соя-салқин. Ҳамма томон тоза ва озода. Болаларга мослаб жиҳозланган спорт майдончалари, безатилган айвончалар, ҷўмилиш ҳавасидаги зилол сув, турли томошалар кўрсатилидиган саҳна, юргиши йўлаклари, ошхона, кутубхона, компьютерлаштирилган синфлар, ёткоҳоналар шундай дид билан мавсумга тайёрланганҳи, худди эртакка ўшшайди.

Оромгоҳдан бир дунё таассурот ва қувонч билан қайтидик. Йўл-йўлакай ҳаёлимдан анча гаплар ўтди. Хурсандлигимни

яширолмай, «Келин, оромгоҳ зўр-а...», дедим. У ҳам менга ўхшаб ширин хаёллар оғушида келётган экан, табассум ва хурсандчилик билан «Ростдан ҳам оромгоҳ зўр экан, онажон, юринг, фарзандларимизга шундай шарапотларни яратиб бергани учун касаба уюшмаларида кириб, миннатдорлик билдирамиз» деди. Мен келинимнинг қулогига шивирладим: «Айланай, келинжон, сиз айтгандай қилимас, кейин уйга бориб, «Ишонч» оромгоҳи ҳақида «Ishonch» газетасига ёзамиз».

Тўғриси, шу пайтгача газетага бирор нарса ёзмаганман. Аммо набирамларининг эртакнамо оромгоҳда ҳордик чиқарётгани мени қўйимга қалам олиб, шундай сабобли ишнинг бошида турганларга чин дилдан холис ва саимий тилаклар билдиришга унудди.

Айни паллада дунёдаги ҳар мингта одам-

дан иккى юз-уч юзтаси тўйиб овқат емайди. Қўллаб мамлакатларда нотинчлик. Бу оламнинг қайсиидир бурчагида оналар касалманд, оталар ишсиз, чорасиз. Миллионлаб болажонлар замонавий мактабларда билим, оромгоҳларда дам олишина фақат орзу қилишибди. Яраттганга беадад шукрлар бўлсинки, юртимда тинчлик, осудалик, мўлчилик. Қўнгиллар хотиржам. Энг муҳуми, фарзандларимиз ва наබиравларимизнинг кўзлашибди ҳамиша қувонч ва шодлик балқииди.

Бунинг учун мен бир муштипар она сифатида Президентимиз ва хукуматимиздан жуда-жуда миннатдорман. Фарзандларимизга шундай имкониятларни яратиб қўйгани учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам, унинг Навоий вилояти кенгashi раҳбарлари ҳам кўпдан кўп раҳматлар айтаман. Биз бутун оиласиз билан ҳаммаси учун ҳамманиздан миннатормиз.

Сапура УЛУФНАЗАРОВА,
фаҳрий ўқитувчи



Ташкент шаҳри

«ХудудгазТашкент» газ таъминоти филиали маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси соҳада меҳнат қилаётган ёшларга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жамоа шартномасига ёшларни қўллаб-куватлаш, яхши меҳнат шароити яратиб бериш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бандлар киритилган.

Эътибор

ЖАМОА ШАРТНОМАСИДА АЛОҲИДА БАНДЛАР БОР

Филиал ва унинг барча куйи ташкилларида 1464 нафар ишчи-ходим меҳнат қиласиди. Шундан 158 нафарни 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Жамоа шартномасига асосан жорий йилда улардан 32 нафарига моддий ёрдам ахратиди. 5 нафарига имтиёзли тавсиянома асосида олий ўқув юртига кириш учун йўлламна берилди. Бундан ташкири, корхона маъмурияти жамоа шартномасининг тегишил бандларига асосан 72 нафар ходим фарзандларининг олий ўқув юртлари шартнома пулларини тўлаб берди.

Ёшлар куни байрами арафасида корхонада жойларда ёшлар орасида турли спорт мусобакалари, маданий-мәрийи тадбирлар, «Маънавият соатлари» ташкил этилди. Бу тадбирларда корхонада меҳнат қилаётган барча ёшлар иштирок этди.

Собиржон МУСАЕВ,
«ХудудгазТашкент»
газ таъминоти филиали
бошланғич касаба уюшма қўмитаси мутахassisи

Йигилиш



Сирдарё вилояти

Янги Конституция лойиҳаси меҳнат жамоатида қизғин муҳокама этилаёттир. Жумладан, шу кунгача Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашининг 376 та аъзо ташкилотида лойиҳа билан танишиш, уни муҳокама қилиш ва тақлиф киритиш юзасидан давра сұхбатлари ўтказилди.


Xусусан, Ширин шаҳрида жойлашган «Sirdaryo IES» АЖ жамоасида уюштирилган давра сұхбатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгashi раиси Рустамбек Турсынуродов долзарб мавзуга оид жамоатчилик эшиктида ҳама ушбу муҳокамаларда «Sirdaryo IES» жамоасини ҳам тақлиф ва тавсиялар билдиришда фаоллик кўрсатишига чақириди.



МУҲИМ МАВЗУДА МУЛОҚОТ

Сўзга чиққанлар Конституциянинг меҳнат ҳуқуқига оид 37- ва 38-моддаларига билдирилган тақлиф, кўшилаётган нормалар ҳакида ўз фикрларини билдиришиди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»





ПАХТАМИЗ

бойкотдан чиққаң, нималар ўзгармоқда?

2022 йилнинг 10 март куни «Cotton Campaign» халқаро коалицияси ўзбек пахтасига қўйилган бойкотни бекор қилиди. Бу янгилик халқимизни жуда шод этди. Зеро, мазкур натижага сўнгги 3-4 йилда болалар ва мажбурий меҳнатга қарши олиб борилган мутта- сил кураш, тинимсиз саъй-ҳаракатлар самарааси эди.

Гап шундаки, 2009 йилдан сўнг «Cotton Campaign» халқаро коалицияси тарғиботи билан 271 та давлат Ўзбекистон пахтасини ва ундан тайёрланган ҳар қандай маҳсулотни сотиб олмаслика қарор қилиган эди. Бунга сабаб юртимизда пахта етиширишда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланылганидир.

Оқибатда, шу пайтагча биз пахтамиз ва ундан тайёрланган текстиль маҳсулотларини ёнимиздаги қўшни давлатларга, нари борса, Россия ва Беларусса экспорт қилиб келаётгандик, холос. Бой ва кенг Европа Иттифоқи бозори, хусусан, дунёнинг энг машҳур 331 та бренд фирмаси ва компаниялари, жумладан, «Adidas», «Zara», «C&A», «Gap Inc.», «H&M», «Levi Strauss & Co.», «Tesco» ва «Walmart» кабилалар ўзбек пахтаси ва ундан тайёрланган тола ҳамда ип-калава маҳсулотларини сотиб олмаслик шартларига имзо чекканди. Бу эса Ўзбекистон учун 550 миллионга яқин аҳолига эга Европа бозорини ёки қўйганди.

Пахтамизга ҳам бойкотни бекор қилиниши ўша 271 та давлатнинг Ўзбекистондан маҳсулот сотиб олмаслик тўғрисидаги келишуви ўз кучини йўқотишга сабаб бўлди. Шу билан бирга, ёндиликда ўртимиз тадбиркорлари «GSP+» пе-референциялар тизими орқали Европа бозорига 6200 хил турдаги маҳсулотни имтиёзли божлар билан олиб чиққишимиз мумкин.

